

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№23 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Хайдаров И.М.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРИХИДАН
(XX асрнинг 60-80 йиллари).....4

2.Азаматова Г.Б.

АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИДА ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....14

3.Бутаев У.

МУРАККАБ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.....24

4.Ёдгоров З.Ш.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.....31

5.Мажидов А.Ф., Абдурасулова Д.Т.

ТАРИХИМИЗНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ ХУСУСИДА БАЎЗИ
МУЛОҲАЗАЛАР.....40

6.Пардаев Т.Р., Турсунов Ж.Н.

МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА
МУНОСАБАТИ.....44

7.Охунжонова Ш.Ю.

ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАНБАЛАРДА
АКС ЭТИШИ.....50

8.Тухтаева М.С.

XX АСР ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТШУНОСЛАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА
ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА
ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....59

9.Шукуров Р.

БУХОРО БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАҲЛИЛИ.....68

10.Тўпчиев У.С.

ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШЛАРИДАТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА
ВИНОЧИЛИК САНОАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.....75

11.Мадаминаова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С.

ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....89

12.Нарзуллаева Н.А.

ХИВА ХОНЛИГИ МЕТРОЛОГИК ТИЗИМИ.....96

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нарзуллаева Ниҳола Абдурахмановна
ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик Институти кичик илмий ходими

ХИВА ХОНЛИГИ МЕТРОЛОГИК ТИЗИМИ

For citation: *Nihola A. Narzullaeva. Metrological system of Khiva khanate. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 96-101*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёрдамчи тарихнинг кам ўрганилган соҳаларидан бири - тарихий метрологик тизим ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, сўнгги ўрта асрларда Хива хонлиги ҳудудларида амалда бўлган бириклар ва уларнинг таҳлили тарихий ҳужжатлар асосида келтирилиб, уларнинг миқдорий тафовутлари, ўрганилиш даражаси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: метрология, антропометрия, аршин, хива санги, пуд, фунт, герех, саржин.

Нарзуллаева Ниҳола Абдурахмановна,
Институт востоковедения имени Абу Райхана Бируни АН РУз
младший научный сотрудник

МЕТРОЛОГИЧЕСКАЯ СИСТЕМА ХИВИНСКОГО ХАНСТВА

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена исследованию метрологических терминов, встречающихся в исторических документах Хивинского ханства. Особое внимание в исследовании уделено определению метрологических единиц, описывающих меры длины, объёма, площади, веса, и способам их применения на практике. Кроме того, автор проводит сопоставительный анализ сведений, приводимых в документах, с другими известными историческими источниками XIX в.

Ключевые слова: метрология, антропометрия, аршин, хивинский камень, пуд, фунт, герех, сажень.

Nihola A. Narzullaeva,
The Institute of Oriental Studies named after
Abu Rayhan Al-Biruni Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan
Junior researcher

METROLOGICAL SYSTEM OF KHIVA KHANATE

ANNOTATION

The article on the basis of historical documents examines metric units that were used in the late Middle Ages in the Khiva Khanate and the differences between the sizes of those units. Special attention in the study is paid to the definition of metrological units, describing the measures of length, volume, area, weight, and methods of their application in practice. In addition, the author carries out a comparative analysis of the data given in the historical with other well-known historical sources.

Key words: metrology, anthropometry, arshin (unit of length), Khiva stone, pood, pound, gereh(unit of weight), sajen (unit of length).

Сўнгги ўрта асрларда Хива хонлигида мавжуд бўлган сиёсий вазият унинг иқтисодий, ижтимоий соҳалари ривожини тўхтатиб қўймади. XIX асрда Ўрта Осиё сиёсий, ижтимоий ҳаётини ўзида акс эттирган Хоразм тарихнавислик мактабига тегишли манбалар бисёр. Бу муҳим манбалар қаторига тарихий ҳужжатларни ҳам киритишимиз мумкин. Хива қозилик ҳужжатларининг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда келтирилган маълумотлар Хива хонлигининг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш жараёнини чуқурроқ англаш, таҳлил қилиш имконини беради. Ҳозирда бу ҳужжатлар П 3-20170925244 "ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг реставрацияси" гранти доирасида таъмирланмоқда.

Қозилик ҳужжатларида келтирилган маълумотларда турли мавзуларга оид масалалар ўрин эгаллаган [9,Б.693]. Уларнинг деярли барчасида ўлчов бирликларини учратиш мумкин. Булар сатҳ, узунлик, ҳажм ва оғирлик бирликлари бўлиб, айримлари чамаловчи сифатида ҳам қўлланилган. Албатта, уларнинг баъзиларини метрик тизимга солиш биров мураккаб, лекин шунга қарамасдан мутахассислар томонидан бунга ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган [6,Б.55].

Хонлик ҳудудидаги шаҳар ва қалъаларда халқ ҳунармандчилигининг кўплаб турлари ривож топган эди. Товар пул муносабатлари ривожланишига ҳунармандчилик маҳсулотлари, уларга бўлган талаблар каби омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Маҳаллий метрологик тизим деҳқонлар, ҳунармандлар кундалик турмушларининг ажралмас бўлаги бўлганидек, товар-пул алмашинуви ривожига ҳам шунчалик муҳим ўрин эгаллаган. Казбеков Ю. ва баъзи норасмий мухбирларнинг берган маълумотларига кўра, савдода бу бирликларнинг аниқлигини назорат қилувчи амалдорлар бўлиб, уларни раис Қўқонда эса бу амал эгаларини қози раис деб атаганлар. Рус босқинидан сўнг бу амал бекор қилинган [8,Б.22]. Бозорларда тарози қадоқ тошларининг етишмаслиги ва қимматлиги боис уларни чақиртошлар билан алмаштиришган. Шу сабабли тарозилар тош [11,Б.31-31а], хивақ тоши, хива санги деб атала бошланган. Пантусов Н. фикрича, тарози тошлари - гиряларнинг (қадоқ тош) чақиртошлар билан алмаштирилиши шубҳали бўлган

[13,Б.130]. Маҳаллий меъёрларга тўхталадиган бўлсак, у ҳеч ким томонидан назорат қилинмаган, яъни кундалик турмушда бунга зарурат ҳам йўқ эди.

Хужжатларда туманлар, уларга қарашли бўлган масжидлар, уларнинг имомлари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади [6,Б.32]. Метрологик тизимда бирликлар ҳудуд ва давр жиҳатидан кескин фарқ қилган. Мана шу ҳолат тадқиқотларда бироз ноқулайликларни келтириб чиқаради [7,Б.17]. Хива мисолида ҳам буни учратиш мумкин, яъни Хива хонлиги ҳудудида жойлашган туманларда бирликлар миқдорида тафовут кўп учрайди. Қозилик ҳужжатларида келтирилган бирликлар ҳам алоҳида тадқиқотни талаб этади. Қуйида уларни келтириб ўтамиз:

Ағри оғирлик ва сатҳ ўлчов бирлиги саналиб, фақат Хивада муомалада бўлган дейиш мумкин. Унинг миқдорида тўхталадиган бўлсак, Давидович Е.А. фикрича, 1 ағри маҳаллий Хоразм бирлигида - 13 мисқолга (?4,53 г.) тахминан, 58,89 г, га тенг миқдор бўлган [3,Б.95]. Ағри атамаси ағри, оуври каби кўринишларида ҳам ишлатилган. Тарози палласи бироз оғирроқ келганда сотувчилар "оғири билан беряпман" деб айтишади. Фикримизча, айнан шу ҳолатда, тахминан 60 гр миқдордан сотувчининг харидор фойдасига ўтишида ағри бирлигидан фойдаланилган. Баъзи маълумотларда эса, унинг миқдори 1/80 ботманга яъни, 250 гр га тенг миқдор келтирилади [9,Б.649]. Келтирилган бу миқдорлар орасидаги фарқ деярли 4 барабарга тенг. Рабғузий асарида бу бирлик оғри шаклида учрайди аммо, пул маъносида фойдаланилган [11,Б.225]. Шунингдек, бу бирликдан ер майдонларини ўлчашда ҳам ишлатилган. Унинг тахминий миқдори ҳужжатда 20 ағри ер ярим танобга тенг деб келтирилади [14,Б.41]. Агар Хива таноби 3816 - 3852 кв.м., га тенг бўлса, унда ярим таноб 1908- 1926 кв.м., га тенг шундан келиб чиқадиган бўлсак, 1 ағри 95,5 - 96,3 кв.м., га тенг миқдор бўлади. Шу ўринда таноб миқдорини Давидович Е.А. 4037 кв м. деб келтиради, фикримизча бу миқдорда бироз хатолик ўтган.

Араба - арба [14,Б.2] юк миқдорини чамалаш учун қўлланилган: бир араба ўтин. Ибн Фадлан унинг сиғими 1000 ратл [5,Б.69] га тенг бўлганлиги ҳақида маълумот беради, агар 1 ратл Давидович Е.А. маълумотларига асосан 458 гр тенг бўлса, унда 1000 ратл 458 кг атрофида бўлган. Хужжатларда асосан донли маҳсулотларнинг миқдори араба орқали келтирилади;

Арқон - атамаси ҳам ҳужжатларда учрайди, ер ўлчашда қўлланилган бўлиб, тахминан, 15 қулочга (қулоч -антропометрик бирлик)тенг миқдор;

Аршин [14,Б.75]- узунлик ўлчов бирлиги. Будагов Л.З. ареш, ариш,аршун каби шакллари келтиради [1,Б.28]. Хоразм, Бухоро ва бошқа ҳудудларда амалда бўлган бирлик, тахминан 71,12 см га тенг бўлиб [3,Б.109], асосан қурилиш, матолар ўлчашда қўлланилган;

Ботмон (Хива ботмони ва Хива бозори ботмони кабилар ҳам учрайди [14,Б.10])- оғирлик ва сатҳ ўлчов бирлиги, сўнгги ўрта асрларда унинг вазни ортган ҳолатини учратамиз. Тахминимизча, сўнгги ўрта асрларда рус ўлчов бирликларининг кириб келиши маҳаллий бирликлар миқдорларининг ортишига сабаб бўлган. Масалан: маннинг пудга (1 пуд = 16,38 кг) мослашуви ва ҳокозолар, фақат антропометрик бирликлар бундан мустасно бўлган. Хоразмда бу бирликнинг икки хил тури амалда бўлган. Улар асосан миқдори билан фарқ қилган. Хоразмда мисқол 4,53 гр. тенг бўлса, Давидович тадқиқотларида ботмон 4416 мисқолга яъни 20 кг. атрофида миқдорни келтиради. Иванов бу миқдордан анча фарқ қилган тахминан 40 кг.ли ботмон ҳам амалда бўлгани ва асосан Хонқа, Урганч, Қўнғирот каби шаҳарларда

ишлатилгани ҳақида маълумот беради [6,Б.55]. Бу ҳудудлардан Хонқа ва Урганч бир бирига яқин аммо, Қўнғирот бу иккисидан анча узоқда жўйлашган. Одатда бир бирига яқин ҳудудларда миқдорлар айнан бўлмасада, бир бирига яқин ҳолатда учрайди. Пантусов қайдларида Хива ботмони 1пуд ва 7фунт (1 қадоққа ? 409 гр тенг миқдор) аниқроғи, 19 кг 243 гр тенг бўлгани ҳақида маълумот келтиради [13,Б.130]. Бу миқдор Давидович келтирган маълумотга яқин, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хива ботмони 20 кг атрофида бўлган.

Булак ер, Қитъа [14,Б.159] - сатҳ ўлчашда қўлланилган тахминий миқдор, унинг аниқ қиймати номаълум, бу каби бирликлар асосан, қандайдир ҳолатларга чамалаб аниқланган. Масалан: йукрум ер [10,Б.777]бир югуришда босиб ўтиладиган ер бўлаги каби;

Вазн-и сабъа - "еттилик вазни" бу бирлик асосан танга миқдори ўлчамини ифодалашда ишлатилиб, мисқолга асосланади. Тахминан 7 мисқол атрофида бўлган, агар Хоразмда мисқол 4.53 гр. атрофида бўлса, унда 31.71 гр. га тенг бўлган;

Газ [14,Б.164]узунлик ўлчов бирлиги 58см - 1 м оралиғидаги миқдор. Тарихчи олим М.Е.Массон бу бирлик ҳақида "...газ узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, тахминан қўлнинг елка баробар ёнга чўзган ҳолатдаги бармоқ учидан ўмров ўртасигача ёки елкасигача бўлган узунликка баробар. Газ ўлчовидаги ноаниқлик сабабли унинг бирор андозаси мавжуд бўлмаган".Инглиз сайёҳатчиси Хэнвей Ж. маълумотларида уни 12 дюймга (унция, сам (бош бармоқ)) тенг миқдор деб келтиради [15,Б.351]. Агар 1 инглиз дюйми 25,4 мм бўлса, $12 \text{ Ч } 25.4 = 30.48 \text{ см}$ бўлади. Бу миқдор газ учун кичик бўлиб, бу миқдорда хатолик мавжуд. Хоразмда газнинг 2 тури амалда бўлган. Газе масоҳот (ер майдонларини ўлчашда қўлланилган) ва кундалик турмушда амалда бўлган газ (асосан мато ўлчашда). Газе масоҳот 49 ангушт/бармоқ/асбаъ(2.18 см) га, мато ўлчашда қўлланилган газ эса, 28 ангушт/бармоқ/асбаъ (2.18 см)га, аниқроғи $28 \text{ Ч } 2.18 = 61.04$, $49 \text{ Ч } 2.18 = 106,82 \text{ см}$ тенг бўлган;

Қари [14,Б.610] антропометрик узунлик ўлчов бирлиги, қўл учидан тирсаккача бўлган масофа, асосан мато ўлчаш, бинолар қурилишида фойдаланишган. 1 қари 6 тутамга, 1 тутам 4 бармоққа, шунда 24 бармоққа тенг, агар 1 бармоқ 2.18 см бўлса, унда $24 \text{ Ч } 2.18 = 52.32 \text{ см}$. тенг бўлган. Шунингдек, 1,5 қари (75 см) ҳам амалда бўлган [10,Б.909]. Кейинги миқдордан кўп ҳолларда бино қурилишида фойдаланишган. Давидович Е.А. Хоразмда бу бирлик 2 аршин ($2 \text{ Ч } 71,12 = 142,24$) ва 1 герех (герех= газ ?16 ? 6.68)га , яъни бу миқдорларни яхлитлайдиган бўлсак, $148,865 \text{ ? } 149 \text{ см}$ га тенг бўлганини қайд этади. Бу 1 м 49 см атрофида бўлиб, қари учун катта миқдор, ўртача гавда тузилишига эга бўлган инсоннинг қўл учидан тирсагигача бўлган масофа 149 см бўлиши мумкин эмас. Қари ўлчов бирлигининг кара шаклини баъзи маълумотларда учратиш мумкин [12,Б.191]. Унинг миқдори Исмоилов Н. ва Бўриев О. фикрларича 55 см атрофида бўлган. Г.Остонова манба асосида келтирган маълумотларида 1 газ 18 кара (қари) ва 3 чорак кара (қари)га тенг миқдор келтирилади. Бундан келиб чиқадики, 1 газ 10,31 м га тенг бўлган. Аммо, 1 газ миқдори сўнгги ўрта асрларда 0,58 см дан 1 м оралиғида бўлган. Демак, юқоридаги кара орқали қайд этилган газ миқдорида хатолик бор. Негаки, газ бу қадар йирик қийматда учраймайди. Бу бирликдан ҳозирда ҳам фойдаланилади, кундалик ва баъзи соҳа вакиллари учун унинг афзалликлари бор;

Лаган [14,Б.587] рўзғор анжومي, катта ва кичик турлари бўлиб, 20-45 кг атрофида

бўлган, бўндан ташқари коса, лавоб коса, бодиа (байдо тахминан 0.5-1 кг), дўнғир (бидон, дўлча) каби анжомлардан ҳам фойдаланишган;

Ман оғирлик ва сатҳ ўлчови бирлиги, ботман билан синоним равишда амалда бўлган;

Мисқол [14,Б.20] оғирлик ўлчов бирлиги, 4-4,54 гр миқдор оралиғида бўлган. Давидович Е.А. сўнги ўрта асрлардаги Хива мисқолининг миқдори 4,53 гр. эканлиги ва бу бирлик ўрта катталиқдаги 96-100 арпа дониға тенг миқдор бўлганини қайд этган. 1 арпа дони тахминан 0.06гр бўлса, унда 100 донга арпа 6 гр га, агар 96 донга арпа бўлса, унда 5,76 гр га тенг миқдор бўлади. Давидович келтирган миқдор ва чамалари орасида 1.23-1.47 гр. атрофида тафовут мавжуд. Бунга арпанинг нави, ўлчов асбобларидаги фарқлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Казбеков Ю. мисқолни савдодаги энг кичик бирлик бўлгани, уни рус золотникига тенглаштирилгани ҳамда, бу бирликда асосан бўёқ моллари, ипак, кумуш ва умуман қимматбаҳо буюмлар ўлчанганини мақоласида қайд этган. Савдода маҳаллий бирликлар билан бир қаторда рус ўлчов бирликлари ҳам қўлланилган. Пантусовнинг маълумотларига кўра одатда рус пуди (16,38 кг) ва фунтда (қадокда) Россиядан келган моллардан: чой, шакар, мис буюмлари, пўлат, темир ва маҳаллий моллардан эса, ипак ўлчанган [13,Б.130].

Саржин [14,Б.970] ёки сажен (қулаж) антропометрик бирлик, қўлнинг елка кенлигида узатилган ҳолатининг оралиғидаги масофа бўлиб, Пантусовнинг, маълумотларида бу бирлик 3 аршинга, яъни 2.13 м [13,Б.118] га, Давидович фикрича [3,Б.118] , 2,5 аршин 177-178 см қийматида учрайди. Давидович сажен ва қулочнинг миқдор жиҳатидан бир биридан катта фарқ қилган миқдорлари ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириб ўтади [3,Б.118].

Сир, сири [14,Б.24] оғирлик ва сатҳ ўлчов бирлиги. Хивада ундан ер ўлчашда кенг фойдаланилган. Давидович Е.А. бу бирликни тахминан 1/40 манга (ботман), $4416\text{Ч}4.53 \text{ ? } 40 = 500 \text{ гр га тенг миқдор бўлганини қайд этади. Бу бирлик кўплаб худудларда миқдор жиҳатдан фарқлар билан амалда бўлган}$ [3,103]. Унсир (10та сир) бирлигидан Хоразмда кўп фойдаланилган ва бу бирлик $1 \text{ ? } 4 \text{ манга} = 4416\text{Ч}4.53 \text{ ? } 4 = 5000\text{гр} = 5 \text{ кг атрофида бўлган}$;

Таноб [14,Б.36] бирлиги ҳужжатларда кўп учрайди. Бу бирликдан катта майдонлар сатҳини ўлчашда фойдаланилган. Таноб ҳамма томонлари тенг бўлган майдон сатҳи қиймати яъни, $60 \text{ газЧ}60 \text{ газ} = 3600 \text{ кв. агар газ } 106\text{-}107 \text{ см га тенг бўлса, унда } 3600\text{Ч}106 \text{ (} 107 \text{)} = 381600 \text{ (} 385200 \text{)} \text{ см} = 3816 \text{ м (} 3852 \text{ м) атрофида бўлган. Таноб ҳақида келтирилган маълумотлар жуда мунозарали, баъзиларида унинг қиймати } 400\text{-}900 \text{ саржин, Иванов тадқиқотида } 1200 \text{ саржинга тенг миқдорини келтиради (бу тахминан } 852\text{-}1917 \text{ м, } 2556 \text{ м) [6,Б.20]. Унинг фикрича, Хивада } 5\text{-}6 \text{ таноб ери бор киши ўзига тўқ саналган [6,Б.25], яъни эгалик қиладиган ер миқдори унинг яшаш шароитини англатган. Игнатъев маълумотларига кўра, XX аср бошларида танобнинг } 900 \text{ кв сажен (саржин), } 0.42 \text{ гектар (} 1\text{ар} = 10000 \text{ кв м) тенг бўлган [7,Б.17]. Келтирилган миқдорларни таққослайдиган бўлсак, давр ўтган сайин қийматларнинг ортганлигини кўзатиш мумкин}$;

Фарсах (фарсанг) қадимий ўлчов бирликларидан бири, узунлик, асосан узоқ масофаларни ўлчашда қўлланилган. Унинг қиймати 6-8 км оралиғида ўзгариб турган.

Хива қозилик ҳужжатларини метрологик тизим тадқиқотига жалб этилиши бу соҳа тадқиқоти учун муҳимдир. Ҳужжатларда келтирилган бирликлар таҳлили

якунини топмайдиган асарга ўхшайди. Шунга қарамасдан, изланишларимизга таяниб хулосамиз қуйидагича:

Ҳужжатлар ва уларда келтирилган маълумотларнинг юридик мазмунга эга эканлиги, тадқиқот манбасининг аҳамиятини янада орттиради. Метрик бирликлар шаръий ва халқона турларга бўлинган. Демак, ҳужжатларда келтирилган метрик бирликларнинг баъзилари шаръий асосга эга бўлган. Метрологик тизим тадқиқоти учун бу маълумотлар жуда аҳамиятли. Аммо, метрологик тизим тадқиқоти Марказий Осиё мисолида жуда суст ривож топмоқда. Бунга сабаб қилиб,

- яхлит тадқиқотлар камлиги, Марказий Осиё метрологик тизими ҳақида мавжуд изланишларнинг баъзиларида Хинц ва Давидович Е.А. тадқиқотларининг айнан таржима қилинган шаклда келтирилган ҳолатлари ҳам мавжудлиги

- маълумотларнинг бир бирига зид эканлиги, баъзи тадқиқотларда бирликлар нотўғри қийматларда келтирилиши, бу қийматлар эса бирликларнинг ҳақиқий миқдорига айланиб бораётганлиги кабиларни айта оламиз.

Бу муаммолар ўзининг илмий ечимини топиши шу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Умуман олганда ҳужжатларда келтирилган бирликлар ва уларнинг таҳлили Марказий Осиё метрологик тизимини яхлит тадқиқ этилишига катта туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Budagov L.Z. Sravnitelniy slovar turetsko-tatarskix narechiy. V 2-x t. -SPb., 1869.
2. Gusarova T.P., Dmitriyeva O.B., Filipov I.S. Vvedeniye v spetsialniye istoricheskiye distsiplini. - M., 1990.
3. Davidovich Ye.A. Materiali po istorii srednevekovoy Sredney Azii. - M., 1970.
4. Juvonmardiyev A. XVI-XIX asrlarda Farg'onada yer-suv masalalariga doir. - T., 1965.
5. Ibn Fadlan. Kniga Axmada Ibn Fadlana, o yego puteshestvii na Volgu v 921- 922gg. - X., 1956.
6. Ivanov P.P. Arxiv xivinskix xanov XIX vv. Issledovaniye i opisaniye dokumentov s istoricheskim vvedeniyem. - L., 1940.
7. Ignat'yev K. Tablitsi dlya perevoda mestnix zemelnix mer UzSSR v russkiye metricheskiye. - S., 1928.
8. Kazbekov Yu. Tuzemniye meri i vesi v Ferganskoy oblasti// Turkestanskiye Vedomosti. 1877. №6.
9. Katalog xivinskix kaziyskix dokumentov. XIX- nachalo XX vv. -Tashkent, Kioto. 2001.
10. Maxmud al-Kashgari. Divan Lugat at-turk/ Perevod i predisloviye, kommentarii A.M.Auezovoy. - A., 2005.
11. Nosiruddin Burxonuddin Rabg'uziy. Qisasi Rabg'uziy. I kitob. -T., 1990.
12. Ostnova G. Hisob bo'yicha noyob qo'llanma // Sharqshunoslik. -T., 2004. №12
13. Pantusov N. Vesi i meri v Sredney Azii (Torgoviy ves)// Turkestanskiye Vedomosti. 1874. №33.
14. O'zR FASHI Qo'lyozmalar fondi Tarixiy hujjatlar № 2, 9, 10, 20, 24, 30, 31, 31a, 36, 41, 51, 75, 159, 164, 610, 587, 970.
15. Hanway J. An historical account of the British trade over the Caspian Sea, vol. I. London, 1753.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№23 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000